



## ХАЛҚЛАР ҲАМЖИҲАТЛИГИ ВА ГУМАНИТАР АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШДА МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗЛАРНИНГ ЎРНИ

Элбоева Шахноза Бўриниёзовна

Қарши Муҳандислик иқтисодиёт институти  
катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6326225>

### МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 15-Fevral 2022  
Ma'qullandi: 20 - Fevral 2022  
Chop etildi: 25 - Fevral 2022

### KALIT SO'ZLAR

миллатлараро  
муносабатлар, ақл-  
заковати, босиқлик,  
вазминлик, дўстлик,  
биродарлик, ҳамкорлик,  
миллий ва умуминсоний  
қадриятлар

### ANNOTATSIYA

Миллатлараро муносабатлар дунёдаги ҳар бир давлатда ўзининг тарихи, хусусиятларига эга бўлган, жамиятнинг энг нозик ва мураккаб ижтимоий-сиёсий муаммоларидан биридир. Миллатлараро тотувликни таъминлашнинг асосий омили мамлакат ҳудудида яшаётган барча миллат ва элат вакилларининг эҳтиёжларини ҳисобга олиш, манфаатларни уйғунлаштириш ва ягона мақсад сари ва Ватанни тараққий эттишга йўналтириш ҳисобланади.

Миллатлараро муносабатларда уйғунлик вужудга келган мамлакатларда кўп миллатлилик жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига самарали таъсир этади. Миллатлараро тотувлик ғояси умумбашарий қадрият бўлиб, турли халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ҳамда барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади. Бугунги кунда Ер юзида 6 млрд.дан зиёд аҳоли мавжуд. Ўзбекистон ҳудудида эса 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшамоқда. Ҳар бир миллат Яратганнинг мўъжизаси бўлиб, ўз тили, дини, маслаги,

қадриятлари, анъаналарига эга. Шу боис мазкур маънавий омилларнинг амал қилиши миллатлараро тотувликнинг муҳим шартларидан саналади.

Турли маданий марказлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, маданий чиқишлар муҳим. Туркистон халқлари, шу жумладан, ўзбек ва қозоқ халқлари ҳам ягона Ватан-кўҳна Турон-Туркистоннинг бошидан ўтказган сиёсий вазиятларидан қаъти назар, доимо ўзаро яқинлашув, бирлашув, оддий айтганда борди-келди, олди-берди тарафдорлари бўлганлар. Эл бошига кулфат тушган энг оғир давларда ҳам улар бир-бирларини тарк этмай, ўзаро елкадош бўлиб турганлар. Шу маънода, марказ раҳбари Абу Наср



Форобийнинг қуйидаги сўзларини келтиради: “Бахтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам берган халқ-фазилатли халқдир.

Юртимиздаги барча халқлар миллий маънавиятининг юксалиши эса миллий ўзликни англаш ва миллатлараро тотувликни мустақамлаб бориш имкониятини оширади”[1].

Миллатлараро тотувлик – миллатлараро аҳиллик, халқаро дўстлик; миллий мафқуранинг асосий ғояларидан бири; муайян ҳудуд, давлатда турли миллат вакилларининг баҳамжиҳат яшаши, ҳамкорликда фаолият юритишини ифодаловчи тушунча. Ер юзидаги 1600 дан ортиқ миллатдан бор-йўғи 200га яқини ўз давлатчилигига эга, холос. Бундай шароитда бутун дунёда миллатлараро тотувликни таъминлаш учун уларнинг манфаатлари, руҳияти, интилишларини мунтазам ўрганиб бориш, сиёсий-ижтимоий ҳаётда буни доимо эътиборга олиш зарур. Жаҳон тажрибаси миллатлараро тотувликни таъминлашга бирёқлама, юзаки ёндашув жиддий муаммолар келтириб чиқариши мумкинлигини кўрсатади.

Шунингдек, “Светлитса Полска” поляк маданий маркази миллий тараққиётини, тинчлик ҳамда барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади. Келиб чиқиши поляк бўлган юртдошларимиз ва Полша тарихи, маданияти, тили билан қизиқувчи бошқа миллат вакилларини 1989 йилда ташкил этилган “Светлитса Полска” поляк маданий маркази бирлаштирган. 1992 йили ушбу марказ республика мақомига эга бўлиб, бугунги кунда у Тошкент шаҳридаги “Зажеве”,

марказнинг Бухоро вилоятидаги бўлинмасини, Самарқанд вилоятидаги “Полонез” маданий марказини ва пойтахтнинг “Полский класс” жамиятини ўз ичига олади. Марказ поляк маданиятини оммалаштириш билан бирга Полшанинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳам яқиндан ҳамкорлик қилади. Поляк халқининг Фредерик Шопен, Адам Митскевич, Станислав Монушко, Николай Коперник, Мария Складовская Кюри, Ян Матейко каби маданият, санъат ва фан соҳаларининг таниқли арбобларига бағишланган ижодий кечалар мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона маданий алоқаларнинг янада мустақамланишига хизмат қилади. Марказ томонидан ўтказилаётган тадбирлар ичида буюк юртдошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483–1530) ва поляк халқининг буюк санъаткори Анна Герман (1936–1982) фаолияти ва ижодига бағишланган кечалар алоҳида эътиборга лойиқ. Бошқа бошқа даврларда яшаб, ижод қилган бу икки инсон бир кунда, яъни 14февралда Ўзбек заминида туғилгани диққатга сазовордир.

“Светлитса Полска” Ўзбекистон поляк маданий марказида полшалик рассомлар кўرғазмалари, “Вспомниэниа” — поляк шлягерлари” мусиқа фестиваллари ўтказилади. Поляк тилини ўқитиш, ёшларнинг поляк тилида таълим олишларига кўмаклашиш марказнинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади. Марказ “Ўзбекистон — Полша” дўстлик жамияти билан биргаликда тарихий ватанларидан йироқда яшовчи поляклар учун Полония куни,



Конституция куни ва Полша Мустақиллиги кунини, Велканос — Пасха, католикларнинг Рождество, Дожинки — ҳосил байрами каби саналарни нишонлайди”[2].

2018 йил 6 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси делегацияси Ўзбекистоннинг Варшавадаги элчихонаси ҳодимлари ҳамкорлигида Польшанинг Хелм шаҳри мэриясида губернатор ўринбосари Йозеф Гурнас ва “Przyjazn-Dustlik” жамияти раҳбари Ирена Тагиева билан учрашувдан кўзланган мақсад, Ўзбекистондаги “Ўзбекистон-Польша” дўстлик жамияти ва Польшанинг Хелм шаҳридаги “Przjazn-Dustlik” жамияти ўртасида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси патронажлигида маданий-гуманитар соҳада ҳамкорлик меморандумини имзолаш ва келажакдаги истиқболли ҳамкорлик масалалари бўйича фикр алмашилди”[3]. “Славутич” Республика украин маданий маркази.

Украинларнинг ўзбек диёрига оммавий тарзда кўчиб келишлари тўғрисидаги дастлабки маълумотлар XIX асрда қайд этилган. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳудудида 71 мингдан ортиқ этник украинлар истиқомат қилади. “Славутич” маданий марказида асарлари ўзбек тилида нашр этилган украин ёзувчилари ва шоирлари китобларининг тақдимоти, Алишер Навоий, Зулфия, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Мухтор Ашрафий, Николай Гогол, Сергей Василенко, Иван Франко каби ўзбек ва

украин халқларининг санъат ва адабиёт соҳасидаги таниқли арбоблари ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий ва мусиқали кечалар ўтказилади. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида ҳар йили ўтказиладиган Шевченко кунлари, унинг Тошкентдаги ҳайкали ёнидаги учрашувлар ҳам марказнинг хайрли анъаналаридан ҳисобланади. Украиналиклар Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг Киевга қилган ташрифи вақтида: “Ўзбекистонлик украинлар — бизнинг украинлар”, деган сўзларини миннатдорчилик билан эслайдилар ва “Ўзбекистон — умумий уйимиз” иборасини фахр ила такрорлаган ҳолда, ўзбек халқи билан дўстбиродар бўлиб яшаётганликларидан мамнун эканликларини таъкидлайдилар. Немисларнинг Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қила бошлаши тарихи XIX асрнинг 60-йилларига тўғри келади. 1990 йили Тошкентда ҳудудий бўлимларни бирлаштирувчи “Виэдергебурт”—“Тикланиш” немис миллий маданий маркази ташкил этилган. Унинг Бухоро, Самарқанд ва Фарғона филиаллари шаҳарларида ҳам фаолият юритиб келмоқда. Ўзбекистон немислар маданий марказининг устувор вазибалари — немис маданиятининг энг муҳим жиҳатларини тиклаш, немис халқининг жозибатор кўшиқ ва рақслари билан ўтадиган қувноқ байрамларини ташкил қилиш, ёшларни немис тилига ўргатишдир. Ушбу марказлар қошида ёшлар учун халқ ижодиёти, театр ва рақс санъати бўйича тўғарақлар ишламоқда. Немис тилини йил давомида чуқур ўрганиш дастури доирасида Германиядан келган



ўқитувчилар иштирокида “Соммерспрачакадемиэ” республика ёзги лингвистика лагери ташкил қилинади. “Жугендстерн” — “Ёшлар юлдузи” деб номланувчи ёшлар ташкилоти марказга ижтимоий, маданий ва таълим ишларида кўмаклашади. Республика рақс фестивалини ўтказиш, немис тилида сўзлашувчи ҳаваскор театрларнинг ҳар йили ўтказиладиган фестивалида жаҳон классикаси, замонавий немис ва ўзбек муаллифлари асарларини сахналаштириш ёшларнинг асосий лойиҳаларидир. Ёш ҳаваскор актёрларга ёрдам бериш мақсадида Германиядан махсус педагоглар ва театр арбоблари таклиф этилиб, улар иштирокида театр санъати бўйича мастеркласс ўтказилади.

“Wiэдергебурт” Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Тошкентдаги Гёте институти, бошқа немис ташкилотлари, шунингдек, “Ўзбекистон–Германия” дўстлик жамияти билан яқиндан ҳамкорлик қилади”[4].

Корейс маданий марказлари. Мустақиллик халқ анъаналари, урфодатлари ва тилининг сақланиши ҳамда диаспоранинг янада ҳамжиҳат

бўлиши учун янги имкониятлар яратиб берди. 1991 йилда ташкил этилган Ўзбекистондаги Корейс маданий марказлари уюшмасининг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти, Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Сирдарё, Фарғона, Хоразм вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида 23 та бўлинмаси фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда бу марказларда корейслар ўз она тилларини ўрганадилар, бошқа этник бирлашмалар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг давлат ва миллий байрамларини ҳамда Соллал — корейсча янги йил, Тано — ёз байрами ва Чусок — ҳосил байрами каби корейс халқининг миллий байрамларини нишонлайдилар. Корея Республикасининг Тошкентдаги элчихонаси, “Ўзбекистон–Корея” дўстлик жамияти билан яқиндан ҳамкорлик қилувчи уюшма томонидан ҳар йили хор жамоаларининг республика фестивали, Ассоциация қошида фаолият юритувчи “Тинбо” илмийтехник жамияти томонидан эса илмий конференциялар ўтказилади.

### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Р. Маматқулов. “Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик, миллий, диний ва сиёсий бағрикенгликни янада ривожлантиришнинг ижтимоий, фалсафий масалалари” Республика илмий–амалий конференцияси мақолалари тўплами. 2020 йил 21 май. Т.: ТДИУ, 2020. 199-202 бет.

2. <https://interkomitet.uz/mita-a-ida/millij-madaniy-markazlar/svetlitsa-polska-zbekiston-poljak-madaniy-markazi/?lang=oz> 65



3. Ўзбекистон-Польша: дўстона муносабатларнинг ривожини. Ўзбекистон республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси. 17 апр. 2018 й

4. <https://interkomitet.uz/mita-a-ida/millij-madaniy-markazlar/wijedergeburt-zbekiston-nemislar-madaniy-markazi/?lang=oz> 68